



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI HOKIMINING QARORI

Namangan sh. Istiqlol ko‘chasi 57.

2022 - yil 3 - oktabr

601-6-0-Q/22

Namangan viloyati hokimligi

Давлатобод тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли 18-сон оилавий поликлиника фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлогини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ–6110-сон Фармони ижроси бўйича 2021-2023 йилларда оилавий шифокорлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларни босқичма-босқич ташкил этиш, Давлатобод тумани аҳолисига кўрсатилаётган бирламчи тиббий санитария ёрдами хизматини янада яқинлаштириш мақсадида, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 19 январдаги 09-07/1341-сон хати ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг 2022 йил 15 августдаги 012-03973-сон таклиф хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг “Давлатобод туман 18-сон оилавий поликлиникасининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2022 йил 18 августдаги 012-03973-сон таклифи маъқуллансин.

2. Наманган шаҳар Давлатобод тумани, Қуйи Ғирвон МФЙ, Тўрақўрғон кўчаси 2а-уйда янги қурилган бино ва иншоотлар ўрнида юридик мақомга эга бўлган Давлатобод тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли 200 қатновга мўлжалланган янги 18-сон оилавий поликлиника ташкил этилсин ва фаолиятига рухсат берилсин.

3. Мазкур оилавий поликлиниканинг почта манзили Давлатобод тумани, Қуйи Ғирвон МФЙ, Тўрақўрғон кўчаси, 2а-уй этиб белгилансин ва унга (туман 8-сон оилавий поликлиникасининг Ирвадон ҳамда Ғирвон филиаллари ҳудудидаги Қуйи Ғирвон МФЙнинг 4174 нафар, Юқори Ғирвон МФЙнинг 4193 нафар, Ўрта Ғирвон МФЙнинг 4072 нафар, Бог МФЙнинг 7048 нафар, Ирвадон МФЙнинг 4451 нафар, Элобод МФЙнинг 4152 нафар, Шишаки МФЙнинг 7038 нафар, Гулобод МФЙнинг 3440 нафар аҳолиси) жами 38568 нафар аҳоли бириктирилсин.

4. Соғлиқни сақлаш бошқармаси (А.Иминов):

янги ташкил этилган Давлатобод тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли 18-сон оилавий поликлиниканинг низомини ишлаб чиқиб, Давлат хизматлари марказида давлат рўйхатидан ўтказсин;

иш жараёнларини тасдиқланган Низом талаблари асосида амалга оширилишини қатъий назоратга олсин;

Молия бош бошқармаси (З.Баҳриддинов) билан биргаликда поликлиниканинг Низомига асосан штатлар жадвалини кўриб чиқиб, рўйхатдан ўтказсин;

Давлатобод тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли 8-сон оилавий поликлиникасининг Ирвадон ва Ғирвон филиаллари ишчи-ходимларини 18-сон оилавий поликлиникага тўлиқ ишга қабул қилиш орқали бандлигини таъминласин.

5. Давлатобод туман ҳокимлиги (А.Таджимирзаев):

янги ташкил этилган оилавий поликлиникани маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун зарур бўладиган маблағларни ажратсин.

6. Вилоят ички ишлар бошқармаси (Ш.Рахмонов):

янги поликлиника ташкил этилиши муносабати билан гербли муҳр ва тамға тайёрлашга белгиланган тартибда рухсат берилишини таъминласин.

7. Мазкур қарор “Наманган ҳақиқати” ва “Наманганская правда” газеталарида эълон қилинсин ва вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин, ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

8. Ушбу қарордан норози бўлган шахслар белгиланган тартибда тегишли

ваколатли органга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Ғ.Муродхужаев зиммасига юклансин.

Viloyat hokimi



Sh.Abdurazakov